



БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 277 (18.455).

Жума, 1982 йил 3 декабрь

Баҳоси 3 тийин.

РЕСПУБЛИКА ДЕХҚОНЛАРИНИНГ ШОНЛИ ҒАЛАБАСИ

Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги меҳнаткашлари жуда катта ғалабага эришдилар. Партия XXVI съездининг тарихий қарорлари ижодкорлик билан амалга оширилгани, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақа кенг қўлдан бошланди. КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Пленумдаги программ нутқи туфайли жўш урган меҳнатдаги гайрат-шижоат натижасида улар жуда мураккаб об-ҳаво шароитларида пахта, дон, сабзавот, картошка, полдиз экинлари, мева, узум, нанон ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштирдилар, уларни йиғиштириб олинган уюшқонлик билан ўтказдилар ва беш йилликнинг иккинчи йили социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар.

Республика пахтакорларининг меҳнатига алоҳида обрив айтса, энг яхши таҳсин сўзлари айта боламиз. Улар ҳамма бўлганидек мамлакатнинг иқтисодий ва маданий ҳаётининг юксак масъулиятини аниқлаб, Совет Иттифоқи қардош халқлари олдидан ўз ватанпарварлик ва интернационал бурчини бажариб, ақойиб, муваффақиятларга эришдилар. Сурхондарияда ўз йилдан бери давлатга олти миллион тоннадан ортиқ — планга нисбатан 110 минг тонна кўп пахта сотилди. Қўрилган тадбирлар, КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳўкуматининг катта ёрдами туфайли пахтанинг сифати кескин ошди. 1980 йилдаги 46 процент ўрнига пахтанинг 70 процентга яқин биринчи навларга топширилди. Энг қимматбаҳо ингичка толали пахта етиштириш анча кўпайди. Пландан 380 минг тонна ўртача давлат 465 минг тонна, яъни беш йилликнинг охирига пландаштилган даражадан ортиқ миқдорда ингичка толали пахта олди.

Ўзбекистоннинг пахта толасини сотиб олаётган мамлакатлар тобора кўпайиб бормоқда. Ҳозир бу қимматли маҳсулот 32 та чет давлатга етказиб берилмоқда, унинг сифати тўғрисида шикоят йўқ.

Давлатга пахта сотиш давом этмоқда.

Пахтакорларнинг меҳнатдаги ғалабасига табиий офатларга қарши кескин курашда, мардлик ва жасорат билан тузда курашда замин яратилди. Қўқламдаги жала ёмғирлар, дўл уришлар ва довулли шамоллар чигитни бир неча бор қайта экишга мажбур этди. Ўзгаришларга инисиқ ва сувнинг гоат таҳдидини гўзалнинг қовчирилган қўлинига, ҳосил туғувчаларининг тўқилиб кетишига сабаб бўлди, қуянинг одатдан ташқари ёмғирли келиши, тез-тез қор ёғиши ва совуқ бўлиши ҳосил термини жуда кескин қийин. Пахтакорлар юксак маҳорат, матонат, ирода ва қаҳрамонона меҳнат туғайлигини Ватан олдиданги ўз бурчларини шараф билан бажардилар. Мамлакат ваъда қилинган олти миллион тонна «оқ олтин»ни олди.

Ҳосил терими ҳаддан ташқари кўп бўлди. Пахта чаноклари кеч очила бошладилар, терим учун вақт оз қолди. Партия ташкилотларининг даъватига биноан шаҳар ва посёлкаларнинг меҳнаткашлари, ўқувчи-ёшлар пахтакорларга ёрдам бердилар. Уларнинг ҳаммалари юксак оқиллик ва интизомлилик намуналарини кўрсатдилар, табиий офатларга бас келиб, деҳқонлар билан ёна-ён туриб, етиштирилган ҳосилнинг нобуд бўлишига йўл қўймагани учун ҳар қандай об-ҳавода ҳам пахта теримида фидокорона меҳнат қилдилар.

Алмо ана шу шароитларда теримда машиналар, пахта териш техникаси ҳал қилувчи роль ўйнади. Меҳанизаторлар қатъият ва ғалабага бўлган бўқимас ирода кўрсатдилар. Улар илҳом билан меҳнат қилиш намуналарини намоён этдилар. 34 мингтадан кўпроқ пахта териш машинаси, кўп миқдордаги бошқа терим техникаси ва транспорт воситалари ипатволиклар методи асосида терим-транспорт отрядларига бирлаштириб ишга тушди. Ҳаво очиб келган ҳар бир кундан фойдаланиб, техника ёрдамида меҳанизаторлар ҳосилнинг 60 процентига яқинини териб бердилар.

Тошкент областининг ҳўжаликлари тайёрланган жами ҳосилнинг 87 процентини, Сирдарё области 66, Самарқанд области 65, Қорақалпоғистон АССР 63 процентини машинада териб олди. Бир қанча районлар, қўпгина қолхоз ва совхозларнинг меҳанизаторлари машина терим саноқини 80—90 процентга етказдилар. Пахта териш машиналарининг минглаб механик-ҳайдовчилари техникадан самарали фойдаланиш учун курашди, маъсум давомидан 300—350 тоннадан ва ундан ҳам кўпроқ пахта тердилар.

Далаларнинг юксак ҳосилдорлиги учун курашда Хоразм областининг қолхоз ва совхозлари энг яхши натижаларга эришдилар. Бу областдаги ҳосилдорлик гектар бошига 42 центнерни ташкил этди. Бухоро области пахтакорлари гектар бошига ўрта ҳисобда 37,5 центнер, Тошкент области 34,7, Навоий области 34,2 центнер ҳосил кўтардилар.

Республиканинг 20 дан ортиқ району гектар бошига 40 центнер ва ундан ҳам кўпроқ ҳосил олди. Ёғиздўвон, Богот, Гурлан, Хонқа, Хива районлари эса 43—48 центнер ҳосилдорликка эришдилар.

Ингичка толали пахта етиштиришдаги миришкорлар фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатдилар. Жарқўрғон, Қўмқўрғон, Гагарин, Анор, Шўрчи, Ўзбекистон районлари пахтакорлари гектар бошига 37—40 центнер, Ленин йўли районининг пахтакорлари 44,5 центнер, Қарши районининг пахтакорлари салкам 48 центнер напак пахта териб олдилар. Бу чинакам жуда катта натижадир.

Эгу олти миллион тоннаги хирмонга республиканинг ҳамма областлари, районлари, қолхоз ва совхозлари муроноб ҳисса қўшдилар. Қашқадарё областининг ҳўжаликлари давлатга 592 минг тонна, Фарғона области 587 минг тонна, Андижон области 586 минг тонна, Сурхондарё области 520 минг тонна, Бухоро области 510 минг тонна, Самарқанд области 487 минг тонна, Тошкент области 470 минг тонна, Хоразм области 442 минг тонна, Қорақалпоғистон АССР 437 минг тонна, Наманган области 429 минг тонна, Сирдарё области 400 минг тонна, Ўзбекистон области 352 минг тонна, Навоий области 190 минг тонна пахта сотди.

Республика қолхозчилари, совхозларнинг ишчилари, ҳўжаликларининг мутахассислари ва раҳбарлари, партия, совет, касабаси соғз ва комсомол активлари, барча

деҳқонлари Лениннинг доимо олға бориб, доимо кўпроқ натижага эришайлик, деган васиятини дилга жо қилиб, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларига амалий иш билан жавоб бериб, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Пленумдаги нутқида берилган йўл-йўриқларга амал қилиб, пахтанинг яхши ҳосиллиги бундан бун ҳам куч-гайратни аймай кўпайтира беришга, пахта сифатини оширишга, тармоқни янада интенсивлашга иштирокчи бўлишга аҳд қилганлар.

Республика қишлоқ ҳўжалиги меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорларини бажара бориб, Озқ-овқат программасининг бажарилишига салмоқли ҳисса қўшишга интилиб, бу йил бошқа ҳамма тармоқларни ривожлантиришда ҳам яхши муваффақиятларга эришдилар.

Қўроқчиликка қарамай, уч миллион тоннага яқин дон, шу жумладан 2 миллион тонна маккажўхори дон етиштирилди. Давлатга 1 миллион тоннадан кўпроқ дон сотилди. Республиканинг ҳамма областлари давлатга дон сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларини ошириб бажарди.

Мева-сабзавотчиларини янада ривожлантириш йўлида янги катта қадам қўйилди. Мўл-кўл сабзавот, картошка, полдиз маҳсулотлари, мева ва узум етиштирилди. Давлатга мева-сабзавот сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни ошириб бажарилди. Мамлакат 3,3 миллион тоннадан энг маҳсулот олди ёки план 112 процент бажарилди.

Ўмумиттифок фондида маҳсулот етказиб бериш юзасидан олинган мажбуриятлар ортиги билан бажарилди. Саноат марказларига 1 миллион 33 минг тонна сабзавот, картошка, полдиз маҳсулотлари, мева ва узум муддатидан илгари жўнатилди.

Республика қанпоқчилари йили муваффақиятли туталдилар. Давлатга 323 минг тонна, яъни планга белгиланганидан кўпроқ миқдорда қанпоқ полси сотилди.

Республика пиллачилари яна қўвонган натижага эришдилар. Давлатга 30 минг тоннага яқин, яъни 107 процент миқдорда пилла сотилди.

Чорвачиликда иккинчи ўзгаришлар рўй бермоқда. Ўтган йилда нисбатан ҳамма турдаги чорва дўғи ва парралар кўпайди,

